

Муаззамхон Мирсаид кизи (1833, Хўжанд — 1917, Жиззах) — шоира. Муаззамхон ўзбек ва форс мумтоз адабиёти намояндаларининг ижоди билан чуқур танишган, аруз вазнини мукамал ўзлаштирган ва ҳар иккала тилда ҳам ижод қилган.

Муаззамнинг 1000 мисрадан ортиқрок девон тартибида тузилган газаллари ва синглиси Муаттархон баёзига қирган шеърлари мавжуд. Унинг газаллари услубнинг равонлиги, фикрнинг равшанлиги, ифоданинг аниқлиги билан ажралиб туради. Шеърларида давр, фалақдан норозилик садолари акс этган («Фалақнинг жавридиндур кўнглима озор ҳар соат...»). Аммо Муаззам «кўздан хуноба оқиб, хижрон ҳар тарафдан қилич тортиб» келаётган дамларда ҳам «матонатли» бўлишга, «сабр-тахаммул» билан яшашга даъват қилган.

ГАЗАЛЛАР

* * *

Эй сабо, арзимни айт охиста ул дилдорга,
Ҳеч раҳми келмади йўлида ётган зорга.

Илтимос этгил губори макдамидин зарраэ,
Ҳоки пойи дору бўлгай бу тани беморга.

Шиддати заъфим била рағлар сўнғакка чирмашиб,
Хув савдосин чекар монанд ўлиб сеторга,

Кон ёшимдин кўрки домоним кизарди лоладек,
Аҳли диллар кўриб они ўхшатур гулзорга.

Маърифатни мевасин ёширгали дил боғига,
Ўтқурибман кўп тикан монанд этиб симхорга.

Бул риёлик тасбихимни гулхан ичра кул қилиб,
Ҳам мусаллони гаров кўймас буту зуннорга.

Амри маъруфимни мукирдин агар қилсам баён,
Қуфр айди деб йигилиб тортадурлар дорга.

Ғам шамоли кўнғлум аврокин паришон айлади,
Бор умидим, элтибон кўрсатса деб дилдорга.

Ҳар кишини дўст деб сиррингни изҳор айлама,
Таъна тошидин алам етгай дили афгорга.

Кўнғлими бўстони ичра ҳеч гул очилмади,

Кон ютубон гунчалар ўрнини берди хорга.

Вир гариби пуралам гам ноласини назм этиб,
Тахрир этмиш, ҳеч ким олмас сотсалар бозорга.

Шумлигингдин, эй Муаззам, тортасан ранжу алам,
Ҳеч дору нафъ килмас сан каби беморга.

* * *

Эй фалак, мунча жафони манга эхсон айладинг,
Хам хирад уйини буздинг, бесаранжом айладинг.

Кавкаби икболими идбора табдил айлабон,
Толеимни нахс этиб, эл ичра бадном айладинг.

Хуш баланд парвоз эди рухим куши афсуским,
Фитна айлаб золи дунё макрига ром айладинг.

Барчага жабр айласанг хам гох-гох таскин бериб,
Бир гариба бошига кулфатни модом айладинг.

Токати тамкин тахаммул уйини горат килиб,
Телбалардек сўзлатиб бесабру сомон айладинг,

Хар неча жаҳд айладим кирсам саодат йўлига,
Йўл юрарда хар кадамда хирсни дом айладинг,

Барчани жоми муродини бериб ман хастага —
Кисматим синган сополдек бир курук жом айладинг,

Хар жафо келса, Муаззам, холикингни хукмидур,
Шиква айлаб бу фалакни мунча бадном айладинг?!

* * *

Фалакнинг жабридиндур кўнглима озор хар соат,
Жарохатлик кўнгилга санчилур кўп хор хар соат.

Жамолинг орзусида кизил гул олдиға борсам,
Тегар хар хордин кўнглимга юз озор хар соат.

Фирокинда бўлибман телбаэ, ўзимни билмайман,
Чекарман нолаю фарёд мажнунвор хар соат.

Каю махлук кадам кўйса мани байтулхазонимга,

Килурман олдида васлингни хам такрор хар соат.

Кўзимдин уйкуни ихрож килди номи хижронинг,
Анинг чун мен дамодам йигларам хунбор хар соат.

Фалак сокиси сунди жоми гам, ичдим йикилдим ман
Гамим тугёнидин кайнаб чикар зангор хар соат.

Табиблар айди: хижрон дардини доруси ўлмакдур,
Анинг-чун мен бўлибман хажр ила бемор хар соат.

Фалак мўмин бошига хеч гариблик солмасин асло,
Гарибликда Муаззам тортадур озор хар соат.

* * *

Ман бўлибман дўстлар хижронида
Дилфигору, дилфигору, дилфигор.

Бистари фуркат аро ётубдуман
Бемадору, бемадору, бемадор.

Гар ўлиб кетсам бу хижрон чўлида
Интизору, интизору, интизор.

Турбатимдин кон ютиб лола унар
Хар бахору, хар бахору, хар бахор.

Ииглаюрман бош уриб даргохингга
Хар нахору, хар нахору, хар нахор.

Дўст васлини тилаб килдим тавоф
Хар мазору, хар мазору, хар мазор.

Ман килурман дўстдин келса хабар
Жон нисору, жон нисору, жон нисор.

Зарра янглиг доимо титрар дилим
Бекарору, бекарору, бекарор.

Ётадурмен байтулехзоним аро
Хору зору, хору зору, хору зор.

Ўлганимдин сўнг дуода ёд этинг
Дўсту ёру, дўсту ёру, дўсту ёр.

Колмади фарзандларимдин хеч нишон
Ашкбору, ашкбору, ашкбор.

Бу Муаззам хастадилни рахмат эт
Кирдикоро, кирдикоро, кирдикор.

* * *

Барча аъзошохисан, бўлма жафокор, эй кўнгул,
Сан жафо килсанг раият топкай озор, эй кўнгул.

Тавсани фикрат миниб хар ёна чопсанг секратиб,
Юрмаким, йўлда бўлур кўп деви маккор, эй кўнгул.

Акл вазирингдурки, килсанг маслахат хар корига,
Бўладур бемаслахат иш анча душвор, эй кўнгул.

Бу вазиринг хар каён йўл бошласа хамрох бўл,
Хар сўз айтса килмагин сўзига инкор, эй кўнгул.

Мардумаклар фитнаи гаммозликдур ишлари, —
Тил надимин килмагил онлар билан ёр, эй кўнгул.

Санки шохсан тил била кўз сўзига тутма кулок,
Тил эрур исми ва лекин захрлик мор, эй кўнгул.

Акл айтур, хар каю маслухга кўнма туъма деб,
Мисли окил кил каноат, ема мурдор, эй кўнгул.

Барча аъзодур раият юрса исён йўлига,
Таъзир айлаб яхшй йўлдин кил хабардор, эй кўнгул

Барча аъзо шохисан, ўлтир адолат тахтига,
Бўлмагайсан хашр аро шармандаи зор, эй кўнгул.

Калби мўминники байтулло демиш, кил эhtiёт,
Бу Муаззам калбидин хам бўл хабардор, эй кўнгул.

ТОПИШМОКЛАР

* * *

Бу на лубатдур, де менга зуфунун,
Бўйни эгри, комати эрмиш забун.
Мохвашлар лаълин ўпган чогида

Нола айлар хохи кундуз, хохи тун.
(чанковуз)

* * *

Чикмиши сӯи само,
Емиши боди сабо.
Риштаи жонини мазбуд
Ушласанг бергай садо.
(варрак)